## БАЙРАМГА БАҒИШЛАБ

Бинокорлар кўп миллионли отрядининг мамлакат экономикасини ривожлантиришга, совет кишилари фаровонлигини янада оширишга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Профессионал байрам — Бинокорлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш қатнашчилари шу ҳақда гапирдилар. Йиғилиш 10 август куни Москвада бўлиб ўтди.

Президиумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Г. В. Романов, СССР Олий Совети Президиумининг, СССР Министрлар Советининг, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари, бир қанча министрлик ва идораларнинг раҳбарлари, социалистик мусобақа ғолиблари, пойтахт жамоатчилигининг намояндалари бор эди.

СССР саноат қурилиши министри Ю. Ф. Соловьев доклад қилди.

(ТАСС мухбири).

## ЛОЙИҲАЧИ ВА БИНОКОРЛАРГА МУКОФОТЛАР

**СССР Министрлар Совети Қурувчилар куни арафасида СССР Госстройи, СССР Фан ва техника давлат комитети ҳамда ВЦСПСнинг таклифларини кўриб чиқиб, «Корхоналар, бинолар ва иншоотларнинг энг яхши лойиҳаларини ишлаб чиққанлик ва шу лойиҳалар асосида қурганлик учун 1984 йилги СССР Министрлар Советининг мукофотларини бериш тўғрисида» қарор қабул қилди.**

Йирик саноат комплекслари, қишлоқ хўжалик объектлари, маданий-маиший биноларни қуриш учун асос қилиб олинган лойиҳаларнинг муаллифлари мукофотларга сазовор бўлдилар. Лойиҳа ва техникавий ечимларнинг юксак даражаси қурилишни жадаллаштириш, унинг таннархини арзонлаштириш, янги қувватларни тез ўзлаштириш имконини берди.

* * *

**Ўзбекистон ССРдаги Шеробод магистрал канали ўнг тармоғининг лойиҳачилари ва қурувчилари СССР Министрлар Советининг мукофоти билан тақдирландилар.**

Бу канал қўриқ ерларни ўзлаштириш, уларни бемалол суғориш ва ингичка толали пахтадан муттасил мўл ҳосил олинишини таъминлаш учун бебаҳо аҳамиятга эгадир.

Магистрал ва тақсимлаш каналларни биринчи бор юксак самарали машиналарнинг янги комплексидан фойдаланиб қурилди. Бу эса меҳнат унумдорлигини икки баравар оширишни ва қурилиш вақтини норматив муддатларга нисбатан 6 ой қисқартиришни таъминлади.

(ТАСС).

*БУГУН—ҚУРУВЧИЛАР КУНИ*

# ДАВЛАТ КИШИСИ



- **КАСБГА МЕҲР ҚУЙИБ**
- УСТОЗГА ТЕНГЛАШИБ
- **БИЛИМ ВА МЕҲНАТ — ЭГИЗАК**
- КИШИЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШГАНДА...
- **ДЕПУТАТ — ХАЛҚ ХИЗМАТКОРИ**

Ангренни кончилар шаҳри деб айтишлари бежиз эмас. Оҳангарон дарёси водийсида жойлашган бу шаҳар вужудга келишида Қурама тоғи тизмаларида топилган тошкўмир конлари катта роль ўйнади. Бу ерда ГРЭС, «Подземгаз» станцияси, резина-техника, картон ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналари қурилди. Кўмир разрези кенгайиб, реконструкция қилинаётир, янги қудратли иссиқлик электростанцияси бунёд этилмоқда. Уй-жой қурилиши миқёслари кенгайиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда, қурувчи бу ерда ҳал қилувчи касб эгаси бўлиб қолди.

Улар орасида кўплаб таниқли кишилар, жумладан Ангрен шаҳарсозлик бошқармасининг бўёқчиси, комсомол аъзоси Хайринисо Норматова ҳам бор. Кекса-ю ёш уни яхши танийди. Қурувчи Х. Норматованинг ҳамюртлари бу йил баҳорда унга юксак ишонч билдириб, мамлакатимиз халқ ҳокимиятининг олий органига депутат қилиб сайладилар. Сессияда у СССР Олий Совети Иттифоқ Совети Раисининг ўринбосари, Совет парламенти палаталарининг раҳбарларидан бири қилиб сайланди.

Хайринисо кўп болали оилада камолга етди. Оилада саккиз фарзанд — тўрт ўғил ва тўрт қиз бор. Хайринисо шулардан еттинчиси. Укаси Тўлқин эндигина мактабни тугатди. Опалари ва акалари ишчилик касбларини эгаллашган. Бири совхозда, бири автобазада автомобиль ҳайдовчиси, учинчиси эса норуда материаллар карьерида меҳнат қилади. Опаси Тожинисо — ўқитувчи. У Норматовлар ўқиган 29-мактабда жисмоний тарбиядан дарс беради. 78 ёшли Абдунаби бобо ва уй бекаси Ўғилбуш ая эса шаҳар чеккасидаги «Ангрен» совхозида сабзавоткор бўлиб ишлашган. Ҳозирги вақтда пенсияда, 14 неварани ардоқлаб ўстирмоқдалар.

Хайринисо 23 ёшда. Қисқа вақт ичида у анча ишларни қилиб улгурди. Хайринисонинг касб танлашига қурилишда инженер бўлиб ишлайдиган қўшниси Мамазоид ака сабаб бўлди. Олти йил аввал, мактаб битирувчисини Ангрен шаҳарсозлик бошқармасига айнан шу киши етаклаб келганди.

Ўз ишига пухта бу қизни бригадада дарров севиб қолишди. 35 бўёқчи хотин-қиздан иборат коллективда Хайринисони ишга ўргатишга баҳамжиҳат киришишди. Мария Магдеева ва Нина Чегина унинг дастлабки устозлари бўлди. Пардозловчилик сирларини ёш ишчи ана шу усталардан ўрганди. Тез орада Хайринисонинг ўзи ҳам бир неча шогирд тайёрлади. Унинг мураббийлигида 13 қиз касб маҳоратини ўзлаштириб олди. Ҳозир бирга ишлашади. Ҳар бири ўзига мустақил, виждонан меҳнат қилади.

— Бошқача ҳам бўлиши мумкин эмас, — дейди Хайринисонинг дугонаси Л. Рўзибоева. — Аввалига бўёқчилик мен учун оддий ишдек кўринди. Биласизми, Хайринисогина мени ишга ижодий ёндашишга ўргатди.

— Хайринисонинг ишидан завқ оласан, киши, — дея ҳикоя қилади М. Магдеева. — Унинг қўлида андава ҳам бўёқ чўткасига ўхшайди. Бир озгина аралашмани деворга суртиб текислаб чиқади. Кейин чеккароқ ўтиб томоша қила бошлайди. Яхши бўлса ҳам бир оз зеб беради. У тез, дадиллик билан ҳаракат қилади.

Шогирд устоздан ўзар, деган гап бор қадимдан. Мария Магдеева ҳам ана шундай фикрда — шогирди Хайринисонинг ютуқларидан астойдил қувонади.

Қурувчилар куни арафасида Хайринисонинг ҳаётида яна бир шонли воқеа рўй берди. У Тошкент Политехника институти Ангрен филиалининг саноат-граждан қурилиши факультети кечки бўлимини аъло баҳолар билан тугатди. Бригаданинг барча аъзолари диплом ҳимоясига келишди. Унинг муваффақиятидан, айниқса ота-онаси жуда хурсанд бўлишди. Абдунаби бобо қизини қучиб, пешонасидан ўпиб қўйди. Ахир уларнинг оиласида биринчи бўлиб кенжа қизи олий маълумотли бўлди. Жисмоний тарбия техникумининг битирувчиси — опаси Тожинисо эса ҳавас билан дейди: «Синглим мендан ҳам ўзиб кетди. Қанди ни урсин!»

Ёш бўлишига қарамай, Хайринисонинг депутатлик тажрибаси ҳам етарли. Чунки у Ангрен шаҳар Советида, энди эса давлат ҳокимиятининг олий органида ўз сайловчиларининг ишончини оқлаб келмоқда.

— Депутатнинг бурчи юксак, иши серташвиш бўлади. Буни сиз қандай тушунасиз?

— Депутат — бу, вакил деганидир. У ўз сайловчилари олдида — ўз манфаатларини ҳимоя қилишни ишониб топширган кишилар олдида, шунингдек, давлат ва халқ олдида масъулдир. Депутат айнан умумдавлат, умумхалқ манфаатини кўзлаш ва ҳимоя қилишга даъват этилган. Мен буни қалбдан ҳис этаман.

Ўз сайловчилари билан бўлган учрашувда Х. Норматова кўплаб наказлар олди. Фақат ангренликлардан эмас, балки Оҳангарон, Оққўрғон ва Тошкент области бошқа шаҳарлари аҳолисидан ҳам. Масалан, Облиқдаги ҳамқишлоқлари ичимлик ва суғориш учун сув етишмаслиги юзасидан шикоят қилишди. Ҳозир совхозда қудуқ қазиляпти. Тез орада сув етарли бўлади.

Табиийки, қурилишда банд бўлган депутат Х. Норматованинг ташвишлари етиб ортади.

— Республика капитал қурилишида туб ўзгаришлар рўй бермоқда, — дейди у. — Уй-жой ва социал-маданий объектлар қурилишини ҳар томонлама яхшилаш ва кенгайтириш йўли ўтказиб келинмоқда. Бу айниқса, мактаблар ва болалар боғчалари қурилишига тегишли. Чунки ўзим ҳам Москвада, СССР Олий Совети сессиясида мактаб ислоҳотининг янги программаси учун овоз бердим. Ана шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олган ҳолда биз, депутатлар шаҳримиз, областимиз, республикамиз ва мамлакатимизда болалар муассасалари тармоғини кенгайтириш масалалари билан изчил шуғулланмоқдамиз. Асосий масала — фақат тўғри қарорлар қабул қилибгина қолмай, уларнинг бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатишдадир.

— Айтинг-чи, Хайринисо, сайловчилар томонидан берилаётган наказларда энг кўп учрайдиган масалалар нималардан иборат?

— Энг кўп учрайдигани «қурилиш» сўзидир. Бу тушунарли, албатта. Моддий ва маънавий эҳтиёжларимиз тобора ўсиб бормоқда. Янги ишлаб чиқариш бинолари, мактаблар, боғчалар, клублар зарур. Депутат қайси объект муҳимлигини давлат нуқтаи назаридан ҳал қила билмоғи керак.

— Бу ишда сизга нималар ёрдам беряпти?

— Муаммоларни чуқур ўрганиш, фақат ўз шаҳримизнинггина эмас, балки республикамиз, мамлакатимиз истиқболини кўра билиш қобилияти. Мана ҳозир Ангренда дастлабки тўққиз қаватли уйга сўнгги безакларни беряпмиз. У тажриба сифатида қурилди. Ишончим комилки, бундай бинолар бизга зарур. Шаҳар тез кенгайиб бормоқда. Депутат сифатида Конституциямизнинг бутун руҳи ва талабларига доимо риоя қилинишига эришишни ўз бурчим деб биламан...

Хайринисо ва унинг бригададошлари Бутуниттифоқ қурувчилар кунини меҳнатда янги зафарлар билан нишонламоқда. Смена топшириқларини 130—140 процент ва ундан ҳам ошириб адо этаётирлар. Улар қўлидан чиққан бинолар сифатли «яхши» ва «аъло» баҳоларга қабул қилинмоқда. Йил бошидан буён қатор объектлар муддатидан илгари фойдаланишга топширилди.

Ота-оналари унга рамзий маънода Хайринисо деб ном беришди. Ёш ўзбек қизининг характерига бу исм жуда-жуда мос тушган.

**Ш. ЗАЙНУТДИНОВ.**

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

## АГИТБРИГАДА ДАЛА КЕЗАДИ

**● Ғиждувон район маданият бўлими Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги муносабати билан аҳолига маданий хизматни кучайтириш, меҳнаткашлар ўртасида лекция ҳамда суҳбатлар ўтказиш мақсадида агитбригада ташкил этди. Агитбригада составига «Билим» жамияти лекторлари, агитаторлар ва райондаги халқ театри ҳаваскорлари жалб этилди.**

Кейинги кунларда агитбригада коллективи райондаги «Партия XXVI съезди» колхозининг Бўрон Ортиқов бошлиқ чўлқуварлар бригадаси, «Зарафшон» колхозининг Назрулла Шукуров бошлиқ бригадаси дала шийпонида бўлиб, пахтакорларни ўз хизматлари билан хушнуд этдилар. Шунингдек, агитбригада Энгельс номли ва Ҳамид Олимжон номли колхозлар аъзолари ҳузурида ҳам меҳмон бўлди. Меҳнат аҳли КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил февраль ва апрель Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми материаллари ҳақидаги лекция-суҳбатларни, айниқса қизиқиб тингламоқдалар.

**Т. МАҚСУДОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.**

## ЗАРБДОР ВАХТАЛАР ЭСТАФЕТАСИ

**● Тошкентдаги «Миконд» заводи коллективида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган социалистик мусобақа пешқадамларини шарафлаш маросими бўлди.**

Корхона ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари июль ойида меҳнат мусобақасида энг яхши кўрсаткичларга эришган механика-йиғув цехи меҳнаткашларини табриклаш учун икки смена орасида завод клубига келдилар. Меҳнат ветеранларидан Раиса Букина, Анна Житкова, механик Евгений Маткин ва бошқалар юксак малакали мастер эканликларини тасдиқладилар. Улар ойлик топшириқни бир ярим-икки баравардан ошириб бажардилар, ўз тажрибаларини ёшларга ўргатдилар.

Бадиий ҳаваскорлик коллективлари ишлаб чиқариш илғорлари шарафига концерт бердилар. Ёш ишчилар мураббийларга гулдаста тақдим этдилар.

(ЎзТАГ).

*БИЗ—ИНТЕРНАЦИОНАЛИСТЛАРМИЗ*

ЎЗБЕКИСТОН — НОҚОРАТУПРОҚ ЎЛКАГА

## ҚЎЛБОЛА ДАЛА

Новгород область Сольцы районидаги М. И. Калинин номли колхознинг ҳайдаладиган даласи 594 гектар кўпайди. «Узновгородводстрой» трестига қарашли «Тошкент-2» механизациялашган махсус кўчма колоннаси коллективи шунча майдонда зовур системаларини қуриб битказди. Бу ишлар муддатидан илгари бажарилди. Объектни йил охирида фойдаланишга топшириш мўлжалланганди.

Ҳозир ўзбекистонлик мелиораторлар янги объектда ишламоқдалар. Улар «Знамя Ленина» колхозининг ерини янгиламоқдалар. Ёш механизатор Ю. Яковлев ва унинг ёрдамчиси Н. Сапегин бир сменада уч километр ва ундан кўпроқ ёпиқ дренаж ётқизмоқда. Якка чўмичли экскаватор машинисти В. Семёнов ҳавас қиларли натижаларга эришди. Очиқ каналлар қурилишида у бир ойда 30 минг кубометр ер қазимоқда. Бу, нормадан уч баравар ошади.

Участкада қурилиш технологиясини муттасил такомиллаштириб бориш одат тусига кирди. Йўл ёқасидаги хандақларни қазишда анъанавий якка чўмичли экскаватор ўрнида кўп чўмичли ЭТЦ-202 экскаваторидан фойдаланиш натижасида шу операциядаги меҳнат унумдорлиги бир неча баравар кўпайди.

Ишларнинг суръати шундайки, ўзбекистонлик ирригаторлар сентябрь охирларига борганда қарийб 500 гектар майдонли яна бир янгиланган далани новгородлик деҳқонларга топширадилар.

Сольцы,
Новгород области.
**(ТАСС-ЎзТАГ мухбирлари).**

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»НИНГ ГАЗЛИДАГИ МУХБИРЛАР ПОСТИ ХАБАР БЕРАДИ

## БУНЁДКОР ДЎСТЛИК

### ЗИЛЗИЛА ОҚИБАТЛАРИ ТУГАТИЛМОҚДА

Зилзила туфайли бошпанасиз қолган газлиликларга дўстона кўмаклашмоқ учун иттифоқдош республикалардан келган қурилиш отрядлари чодирлар шаҳарчаси олдида саф тортишди.

Қурилиш отрядлари командирлари «Дўстлик» лагерининг очилишига бағишланган тантанали линейкага тайёр эканлиги ҳақида рапорт беришади. Совет Иттифоқи Давлат Гимни садолари остида «Дўстлик» қурилиш отрядининг алвон байроғи кўтарилди. Бунёдкорлик куч-ғайрати билан тўлиб-тошган бинокорлар ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар қабул қилишди. Отрядлараро социалистик мусобақа шартлари келишиб олинди.

— Партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлиги билан областимизда зилзила оқибатлари жадал суръатлар билан бартараф этилмоқда, — деди Бухоро область партия комитети секретари, зилзила оқибатларини тугатиш область штаби бошлиғи Носир Қосимхўжаев. — Ана шу мақсад учун 105 миллион сўм маблағ ажратилган бўлиб, ҳозиргача 31 миллион сўмлик ишлар амалга оширилди.

## ЯНГИЛИКЛАР

ҚУРИЛИШ

### ОБЛАСТДА ЯГОНА

**● Янгиқўрғон район Ўзак қишлоғидаги 31-ўрта мактаб учун янги бино қурилмоқда. Мактаб 780 ўқувчига мўлжалланган.**

Замонавий типда қурилаётган бу бинони «Узколхозстрой»нинг Наманган область Янгиқўрғон районидаги совхозлараро механизациялашган кўчма колоннаси ишчилари барпо этишаётир. Унда спорт зали, мерганлик тири, ётоқхона, ошхона, буфет, теплица хўжалиги бўлади.

Янги мактаб ўз архитектураси ва кўркамлиги билан райондагина эмас, балки областда ягонадир.

**Т. ТЎПЧИБЕКОВ.**

### ПУХТА ҲОЗИРЛИК

**● Оққўрғон райони марказидаги Ҳамза номли мактаб биринчилардан бўлиб тўла капитал ремонтдан чиқарилди.**

Кабинетлаштирилган барча синф хоналари, 450 та парта, 40 та доска ва 100 га яқин стул ремонтдан чиқарилди. Мактабда 1200 ўқувчи таълим олади. Уларга 60 нафар олий ва ўрта махсус билимга эга бўлган ўқитувчи сабоқ беради. Яқинда 18 ўқитувчи малака ошириш курсларида ўқиб келди.

Мактаб 60 та янги стол, 15 та шкаф, кабинетлар учун керакли бошқа кўпгина янги инвентарлар билан бойитилди. Шу кунларда фан кабинетлари, лабораторияларни жиҳозлаш ишлари қизғин давом этмоқда.

**Т. ЗОКИРОВ.**

### ҲОВЛИ ТЎЙЛАРИ

**● Чироқчи шаҳрининг 2-микрорайонида боғча қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

Уни барпо этиш учун 400 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Шунингдек, микрорайонда қад кўтарган 12 квартирали бинога ҳам ишчи хизматчи оилалари кўчиб ўтиб, ҳовли тўйларини нишонладилар.

**Б. ЭЛМУРОДОВ.**

# МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА ЎҚУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

### *СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ СИСТЕМАСИДА ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИНИНГ БОШЛАНИШИГА ДОИР*

Шахсни ҳар томонлама камол топтириш, жамиятнинг ҳар бир аъзосида марксча-ленинча дунёқарашни шакллантириш ривожланган социализмни такомиллаштиришнинг мақсади ҳамда сўзсиз шартларидан биридир. «Янги дунё қуриш, — деб таъкидлаган эди ўртоқ К. У. Черненко КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил февраль Пленумида, — янги дунё кишисини камол топтириш ҳақида, уни ғоявий-ахлоқий жиҳатдан ўстириш тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилиш демакдир. Марказий Комитетнинг июнь Пленуми идеология, оммавий-сиёсий иш масалаларини айни шу нуқтаи назардан кўриб чиққанлиги маълум. Пленум йўл-йўриқларига мувофиқ партия бу ишнинг ривожланган социализмни такомиллаштириш соҳасидаги катта ва мураккаб вазифалар характерига тўла-тўкис мувофиқ бўлишига ҳаракат қилаверади».

Партия ташкилотлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорларини бажара бориб, меҳнаткашлар орасида ғоявий-тарбиявий ишларни, бу ишларни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан тайёрлашни яхшиламоқдалар. Бу ерда рўй бераётган ўзгаришлар машғулотларнинг илмий савияси ошганлиги, К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин асарлари янада активроқ ўрганилаётганлиги, ўқувнинг ҳаёт билан алоқаси мустаҳкамланаётганлиги билан характерланади. Мактаблар ва семинарлар ишида ривожланган социализм концепцияларини, КПСС Марказий Комитети Пленумлари материалларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненко нутқларида баён қилинган қоида ва хулосаларни ўрганиш муҳим ўрин эгаллайди. Ишчилар, колхозчилар, мутахассислар ва халқ хўжалиги турли бўғинларининг раҳбар кадрлари фан-техника тараққиётини тезлаштириш, СССР Озиқ-овқат ва Энергетика программаларини рўёбга чиқариш, иқтисод ва тежамкорлик, хўжалик механизмини ва бошқаришни такомиллаштириш масалаларини ўрганмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми талабларига мувофиқ, меҳнаткашларнинг турли категорияларининг ўқувини ташкил этишга янада табақалаштирилган ҳолда ёндашиш амалга ошириляпти. Сиёсий ва иқтисодий таълимнинг амалий йўналиши кучайтирилмоқда. Оммавий-сиёсий ишларда, муқобил планлар ва шахсий тежамкорлик ҳисобларини асослашда, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича конкрет таклифларни тайёрлашда бевосита қатнашаётган тингловчилар сони ортмоқда.

Айни пайтда сиёсий ва иқтисодий ўқувни ташкил этишдаги мавжуд нуқсонлар сусткашлик билан бартараф этилмоқда. Қуруқ назариябозлик, ҳиссиз-ҳаяжонсиз маърифатчилик машғулотларнинг бир қисмига хосдир. Иқтисодий таълимда машғулотлар кўпинча ҳар турдаги ишлаб чиқариш мажлисларига айланиб кетаяпти. Натижада ўқувга бўлган қизиқиш, унинг тарбиявий таъсир кучи сусаймоқда.

Партия ташкилотлари яқинлашиб келаётган 1984-85 ўқув йилида партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь, 1984 йил февраль ва апрель Пленумларининг коммунистлар ва партиясизларда илмий, марксча-ленинча дунёқарашни, иқтисодий тафаккурнинг янги типини шакллантириш, уларнинг меҳнат, ижтимоий-сиёсий активлигини ошириш тўғрисидаги кўрсатмаларини янада тўлароқ бажаришлари керак.

Янги ўқув йилида сиёсий ва иқтисодий таълимнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Мамлакатимиз ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи босқичига қадам қўймоқда. Ўқувнинг тингловчиларнинг меҳнатга, социалистик мусобақани ривожлантиришга, ишлаб чиқаришни интенсивлашда самарали усулларни қўллашга, пландан ташқари меҳнат унумдорлигини ўстириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштириш бўйича зиммага олинган мажбуриятларни бажаришга, кенг кўламдаги иқтисодий экспериментни муваффақиятли ўтказишга таъсирини кучайтириш муҳимдир.

КПССнинг навбатдаги XXVII съездига тайёргарлик муносабати билан пропагандистлар зиммасига катта ва масъулиятли вазифалар юкланади. Бу съездда партиянинг янги таҳрирдаги Программаси қабул қилиниши ва мамлакатни иқтисодий ва социал жиҳатдан ривожлантиришнинг Асосий йўналишлари белгилаб олиниши керак. Ўқув давомида ривожланган социализмни такомиллаштириш, миллатлараро муносабатлар, жамиятимизнинг сиёсий системаси, партия раҳбарлик ролининг ўсиб бориши ҳамда социалистик демократиянинг ягона, қонуний жараён сифатида чуқурлашиб бориши масалаларига алоҳида эътибор бериш лозим. Социалистик тузумнинг улкан ҳаётий кучини ва улуғворлигини, фақат унгагина хос бўлган социал адолатни янада ишонарлироқ кўрсатиш керак.

Янги ўқув йили вақт-соатига кўра, совет халқининг 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабасининг 40 йиллигига тайёргарликка тўғри келади. Пропагандистлар совет халқи ғалабасининг оламшумул -тарихий аҳамиятини, Коммунистик партия ва Совет давлатининг тинчликсевар ташқи сиёсатини, уларнинг она-Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш тўғрисида қилаётган доимий ғамхўрлигини кенг тушунтиришга даъват этилгандирлар. Одамларни ватанпарварлик, интернационал руҳда тарбиялашда Буюк Ғалаба юбилейидан моҳирона фойдаланиш зарур.

Ҳарбий хавф-хатар ниҳоятда ошган, икки бир-бирига қарама-қарши ижтимоий-сиёсий система ўртасидаги қарама-қаршилик кучайган шароитларда халқаро кескинлик кучайишининг ҳақиқий сабабларини очиб ташлаш муҳимдир. Империализмнинг агрессив, халққа зид моҳиятини, Америка маъмуриятининг конфронтацияга, кучларнинг ҳарбий-стратегик мувозанатини бузишга, жаҳонда ҳукмронликка эришишга элтувчи урушқоқлик йўлини қатъият билан фош қилиш зарур.

Машғулотларда реал социализмнинг туб афзалликларини, унинг ижтимоий ва маънавий қимматини кенг кўрсатиш, империализмнинг СССРга ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши идеологик диверсиясига муносиб зарба бериш лозим. Ҳар қандай ўқув курсини ўрганаётганда буржуа идеологиясининг реакцион моҳиятини далиллар билан исботлаш, КПСС сиёсатини сохталаштирувчиларни фош қилиш даркор. Мана шу иш мазмунида 1984 йил 12—14 июнь кунлари Москвада бўлиб ўтган Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг олий даражадаги Иқтисодий кенгаши материалларидан кенг фойдаланиш ғоят муҳимдир.

Янги ўқув йилида партия ўқуви ва иқтисодий таълим системасида КПСС XXVI съездидан сўнг тавсия қилинган ўқув курслари асосан сақланиб қолади. Уларнинг программалари КПСС Марказий Комитетининг июнь, февраль ва апрель Пленумлари талаблари асосида қайта ишланган, ўртоқ К. У. Черненко нутқларида баён қилинган қоида ва хулосалар билан бойитилган. Ўқув жараёни шундай ташкил этилиши керакки, марксча-ленинча назарияни ва КПСС сиёсатини ўрганиш олинган билимларни меҳнатда ва ижтимоий-сиёсий фаолиятда моҳирлик билан қўллана билиш кўникмаларини ҳосил қилиш билан узвий равишда боғланиб кетсин.

Ўқувнинг барча шаклларида биринчи машғулотларни «Юксак самарали меҳнат қилиш, беш йилликни муваффақиятли туғаллаш — ҳар бир кишининг, барча меҳнат коллективларининг ватанпарварлик бурчидир» мавзуида ўтказиш тавсия қилинади. У тингловчиларга партия XXVI съезди ҳамда КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорлари, 1984 йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик халқ хўжалик планлари, меҳнат коллективларининг социалистик мажбуриятлар бажарилиши қандай бораётганлигини яхшироқ билиб олишларига ёрдам бериши керак.

Партия сафларига янги қабул қилинганларни ғоявий-сиёсий тарбиялашда **ёш коммунистлар мактаблари** муҳим ҳисса қўшишга даъват этилган. Бу мактаблардаги машғулотлар КПСС аъзолигига кандидатлар ва ёш коммунистларга программ ҳужжатларни, партия қурилишининг ленинча принципларини, партия раҳбарлик роли ўсиб боришининг қонуниятларини, коммунистнинг Уставдаги бурчларини чуқурроқ ўзлаштириб олишларида ёрдам беради.

Айрим партия ташкилотларида **сиёсий мактабларни** ташкил қилишга аввалгидек эҳтиёж бор. Янги ўқув йилида бундай мактабларда машғулотлар асосан КПССнинг ички ва ташқи сиёсати масалалари бўйича ўтказилади. Машғулотлар учун намунавий мавзулар ва улар учун материаллар «Агитатор» журналида эълон қилинади.

Партия комитетлари **марксизм-ленинизм асослари мактабларини** ташкил қилиш ҳамда уларнинг ишлашини таъминлашга алоҳида эътибор беришлари керак. Уларга КПСС тарихи, марксча-ленинча фалсафа асослари, сиёсий иқтисод, илмий коммунизм бўйича етарли тайёргарликка эга бўлмаган коммунистларни жалб қилиш керак. Бу мактаблар, шунингдек, коммунистик аҳлоқ, илмий атеизм асосларини ўзлаштиришда ёрдам беради.

Партия ўқуви системаси тингловчиларининг аксарият қисми ўзларининг назарий билимларини **илмий коммунизм мактабларида** тўлдирадилар. Уларнинг программалари партиянинг иқтисодий, ижтимоий, ташқи сиёсатига доир муҳим проблемалар кенг доирасини, икки жаҳон системасининг ғоявий курашини, социалистик демократия ривожини ва бошқа масалаларни ўзига қамраб олади. Мактаблар ва ҳунар-техника билим юртлари ходимлари учун «Умумтаълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш — ривожланган социализмни такомиллаштиришнинг таркибий қисми» деган янги программа тайёрланган. Бу программа педагог кадрларга партиянинг халқ маорифи соҳасидаги сиёсатини, совет умумтаълим ва ҳунар-техника билим юртини амалий қайта қуриш вазифаларини чуқурроқ ўрганишда ёрдам беради.

**Партия-хўжалик активи мактаблари** иши сифатини анча ошириш вазифаси турибди. Бу ерда бош вазифа мустақил ўрганиш, назария, сиёсат ва амалиётнинг муҳим масалаларини коллектив бўлиб муҳокама қилиш жараёнида ҳар бир тингловчининг бошқариш, оммани тарбиялаш, ленинча иш услуби фанини эгаллашига эришишдан иборатдир.

**Идеология активи мактабларини** ривожлантиришга катта эътибор бермоқ даркор: Партия ташкилотлари секретарлари ўринбосарлари ва тингловчиларнинг бошқа категориялари ўқузини яхшилаш ўртоқ К. У. Черненконинг Москвадаги «Серп и

